

**Мавзу:«Курилиш майдонида
ишлашда хавфсизлик
техникаси»**

■ Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажарышнинг ҳамма шароитлари кўзда тутилади. Айниқса хавфли зоналарда ишлаш, битта Қурилиш майдонида бир неча ташкилотининг ҳамкорликда ишлашига, техниканинг тўпланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

**Курилиш майдонлардаги хавфли зоналар
деб иш бажариш жойларида
ишчиларнинг хаёти ва соглигига хавф
тугдириш мумкин бўлган иш жойлари,
майдонларига нисбатан айтилади.**

**Маълумотлар бўйича, баҳтсиз
ходисаларнинг 20%га якини курилишда
хавфли зоналарда содир булар экан.**

Хавфли зоналарга: котлован ва зовур
киргоклари, электр узатиш линиялари
атрофи (30 м) транспорт воситалари,
ишлайдиган механизмлар атрофи ва шу
кабилар киради

■ Хавфли ишларга күйидагилар киради:

- чуқур траншея ва котлованлар билан боғлик ишлар;
- портлаш ишлари;
- катта баландликдаги монтаж ишлари;
- оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва ҳакозо.

Ахоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 метр баландликдаги девор билан түсилади.

Курилиш майдонининг ҳамма жойида қуидагилар кузда тутилади:

- - ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни (йўлакча-0,8 м, транспорт йўли 2,5 м);
- - ариқчалар, траншеялар, вактинчалик сув тармоғи устидан кўприкчалар;
- - майший -санитар бинолари;
- - ўтиш юриш жойларига белчилар-кўрсатгичлар;
- - йўлакчалар қиялиги 20^0 дан ошганда зинапоя ёки Қўл билан тутиб юриш мосламаси;
- - чорраҳаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан таъминлаш, темир йўл чорраҳасини шлагбаум билан таъминлаш, уларни кечки пайт ёритиши;

- Портловчи моддалар махсус күрсатмаларга асосан сақланади, ишлатилади ва ҳисобга олиб борилади.
- Электр узатиш йўллари (ЛЭ) ва ускуналари билан ишлагандага махсус қоидаларга риоя Қилинади.

Экскаваторда котлован Қазиганда Қуидагилар таъқиқланади:

- - **хавфли зонада туриш ва юриш;**
- - **котлован девори четида туриш,**
- - **котлован ва траншея ичида дам олиш,
ухлаш.**

Агар иш бажарилаётган жойнинг остидан коммуникация йўли (газ, электр, юкори босимлик труба) ўтган бўлса, ер ковлаш ишлари шу йулларни ишлатувчи корхона назорати остида олиб борилади.

Баландликда ишлаганда ишчилар белбоғ (пояс) билан үзларини боғлаб ишлашлари керак.

Күзга күринувчи жойда жароҳатланган кишиларга “тез ёрдам” машинасини ва врачи чакириш йўллари ёзиб (белгилари билан) қуйилади.

Темир-бетон конструкцияларини монтаж ва демонтаж ишларида хавфсизлик техникси

- Мелиоратив қурилишда қувур үтказиш, ортиш-тушириш ва монтаж ишлари олиб борилади. Гидротехник иншоотларида монтаж ишларини олиб боришида тасдиқланган лойиха бўлиши лозим . Лойиҳа хафвсизлик ва ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши лозим. Тасдиқланган лойиҳасиз монтаж ишларини бошлиш ман этилади. Монтаж ишларини бажаришда тиббиёт кўригидан ўтган, шу дастурдан имтиҳон топширган маҳсус Ҳужжат олган 18 ёшдан кичик бўлмаган шахсларга рухсат этилади.

- Ҳамма ишчилар ишга түшишидан олдин хавфсизлик йўриқномасидан (инструктаж) ўтишлари лозим.
- Гидромелиоратив иншоотларини Қуришда, топшириқларни бажаришда хавфли бўлган зоналарга ўtkазилаётган ишчиларга ёзма равишда наряд-рухсатномалар берилади. У ерда хавфли зоналар ва хавфсизлик ҳақида баён этилади.

■ Хавфлилиқ даражасини бош инженер аниклайди Ҳамда унга Қўл Қўяди. Иш тўхтагандан сўнг наряд - рухсатномаси ўз кучини йўқотади ва яна Қайта иш бошлаганда янгиси берилади. Бу ишларни бажаришда 18 ёшдан кичик ва 60 ёшдан катта бўлмаган шахсларгина Қўйилмайдилар.

■ Ҳамма ишчилар махсус кийим билан таъминланишлари керак, махсус кийимсиз ишлаш ман Қилинади.

Гидромелиоратив иншоотларда монтаж ишларини бажаришдан олдин у ерда ер ишларини бажариш лозим. Темирбетон буюмлари (плита, латок, блоклар) махсус машиналарда ташиб үтилади.

■ Йиғма темир-бетон буюмлари үз маркировкаси ва ёзуви билан бўлиниши керак. Уларни ортиш ва туширишда бошқа нарсаларга уриб олишдан эҳтиёт қилиш керак. Уларни кўтариб олишда хатоликка йўл қўйилса дарҳол тушириб, қайтадан кўтариш лозим.





